

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДЕҲҚОНБОЕВ АВАЗЖОН АБДУНОМОНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА НЕКРОТИК ЭНТЕРОКОЛИТНИНГ ЭРТА ВА КЕЧКИ  
АСОРАТЛАРИНИНГ ТАШХИСОТИ ВА ХИРУРГИК ДАВОСИ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Дехқонбоев Авазжон Абдуномонович**

Болаларда некротик энтероколитнинг эрта ва кечки асоратларининг  
ташхисоти ва хирургик давоси ..... 3

**Дехқонбоев Авазжон Абдуномонович**

Диагностика и хирургическое лечение ранних и поздних осложнений  
некротизирующего энтероколита у детей..... 21

**Dekhkonboev Avazjon Abdunomonovich**

Diagnostics and surgical treatment of early and late complications of  
necrotizing enterocolitis in children..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ДЕҲҚОНБОЕВ АВАЗЖОН АБДУНОМОНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА НЕКРОТИК ЭНТЕРОКОЛИТНИНГ ЭРТА ВА КЕЧКИ  
АСОРАТЛАРИНИНГ ТАШХИСОТИ ВА ХИРУРГИК ДАВОСИ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси №В2017.3.PhD/Tib297 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Махмуд Муслимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эргашев Насриддин Шамсиддинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Атакулов Жамшед Остонукулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«С.Д. Асфендияров номидаги Қозоғистон Миллий Тиббиёт Университети» (Алма-Ата шаҳри, Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (102 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор,  
академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятков**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «некротик энтероколит (НЭК) неонатал реанимация бўлимига ётқизилган барча болалар орасида ҳар 1000 нафар янги туғилган чақалоқдан 2,4 тасида учрайди, бу эса, умумий болаларнинг 2,1% дан, баъзи ҳолларда 4% гача кузатилади»<sup>1</sup>. Ушбу чақалоқларнинг аксарияти оғирлиги 1500г дан кам бўлган эрта туғилган чақалоқлардир, шунинг учун НЭК «яшаб қолган чала туғилган болалар касаллиги», деб ҳам аталади. НЭК нинг оғир кечиши ва асоратларнинг ривожланиши янги туғилган чақалоқларнинг хирургия бўлимига кеч муружат қилиши билан белгиланади. «Оғир асоратларнинг ривожланишида ўлим кўрсаткичи 4% дан 20% гача, чегараланмаган ичак некрозларида эса 80-100% ни ташкил этади»<sup>2</sup>. Ушбу патологияни даволаш тактикасини танлаш бемор аҳволининг оғирлиги ҳамда жараённинг босқичига боғлиқ. Амалиёт олди ва ундан кейинги босқичда ўтказиладиган кенг қамровли муолажалар, касалликнинг ижобий ечими учун катта таъсир кўрсатади. «НЭК да 25% дан 50% гача беморлар хирургик амалиётга муҳтож, аммо ундан кейинги даврда асоратлар кўлами 51-68% га етади»<sup>3</sup>. Бугунги кунда НЭК асоратларининг ривожланишини эрта босқичда аниқлаш имкониятини яратадиган ягона ўзига хос ва сезгир усул мавжуд эмас. Шунинг учун, НЭК патогенезни ўрганиш, янги диагностика мезонларини излаш ва уларнинг асоратлари учун хирургик тактикасини оптималлаштириш тадқиқотнинг энг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда энг долзарб тадқиқотлар НЭК ривожланишининг этиологик ва патогенетик омилларини ўрганиш, касалликнинг кўп қиррали хусусиятларини, некрозни ривожлантирувчи механизмларни, шу жумладан, чақалоқларда қон айланишининг марказлашувни келтириб чиқарадиган стресс ҳолатларга, ичакдаги ишемия ва қон айланишининг бузилиши ёки ичак тутқичида қон оқимининг маҳаллий бузилиши, ичак шиллиқ қаватининг тўсиқ функциясини сусайтириши ва патоген микробларнинг қонга транслокация бўлиши, шиллиқ қаватнинг шикастланиши, коагуляцион некрози ва перфорацияни ўз ичига олган тадқиқотлар бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда ичакнинг эндотелиал ҳужайраларига дисциркулятор эффектнинг таъсирини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилмоқда, бу эса, шиш, цитоскелет тизимининг бузилиши, деполаризация ва кислороднинг фаол турлари ва яллиғланишга қарши воситачилар туфайли келиб чиққан цитомембрананинг юқори ўтказувчанлигини келтириб чиқаради, натижаси иммун тизими стимуляциясига сабаб бўлади.

<sup>1</sup> Hashem RH, Mansi YA, Almasah NS, Abdelghaffar S. Doppler ultrasound assessment of the splanchnic circulation in preterms with neonatal sepsis at risk for necrotizing enterocolitis. J Ultrasound. 2017 Mar; 20(1): 59–67.

<sup>2</sup> Janssen Lok M., et al. Value of abdominal ultrasound in management of necrotizing enterocolitis: a systematic review and meta-analysis. Pediatr Surg Int. 2018 Jun;34(6):589-612

<sup>3</sup> Пыков М.И., Балашов В.В., Филиппова Е.А., Босин В.Ю., Хизроева Ч.М. Ультразвуковая диагностика некротического энтероколита. Медицинский Совет. 2018;(2):215-221

Маҳаллий соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида неонатал даврда касалликлар диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. НЭКни даволашда замонавий тиббиётнинг муҳим ютуқларидан бири, шубҳасиз, қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳолатини, хусусан, ичак деворининг ҳаёттиллигини визуализация қилиш учун ноинвазив усулларни жорий этишдир. Ушбу йўналишда, хусусан, НЭК диагностикасида ва даволаш сифатини яхшилаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, тиббий хизмат тизимини такомиллаштириш учун янги ишлаб чиқилган хирургик амалиётларнинг самарадорлигини баҳолаш учун илмий асосланган натижалар талаб этилади. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>4</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болаларда НЭК диагностикаси ва даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш йўли билан эрта асоратларни аниқлаш ва таклиф қилинаётган хирургик даволаш амалиётларининг самарадорлигини баҳолаш учун предикторларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон "Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПФ-3071-сон "2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон "Жамоатчилик саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий неонатал хирургия ва реанимация ютуқларига қарамадан, НЭК эрта ёшдаги болалар орасида ўлим кўрсаткичи энг юқори бўлган патология ҳисобланади (Писклаков А.В.<sup>5</sup>).

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>5</sup> Писклаков А.В., Долгих Т.И., Федоров Д.А. Количественное определение фекального трансферрина и гемоглобина для ранней диагностики некротизирующего энтероколита у новорожденных. Педиатрия 2015; 5: С72-75

A. Urboniene<sup>6</sup> фикрича, НЭКда ўлим кўрсаткичининг юқори бўлишига сабаб, унинг эрта асоратларининг кеч ташхисланиши, шунингдек, экстремал кам тана вазнига эга бўлган муддатига етмай эрта туғилган чақалоқларни яшаб қолишини динамикада ўсаётганлиги билан изоҳланади, бу эса, ўз навбатида, НЭК частотасини мутаносиб равишда ошишига олиб келади. “Болалар хирургияси амалиётида НЭК, кўпинча асоратлар, яъни перитонит ривожланиш босқичида аниқланади, бунинг натижасида ўлим кўрсаткичи 70% гача, кенг тарқалган ичаклар некрози ривожланганда эса, 100% ни ташкил қилади” (Bohnhorst В<sup>7</sup>). Ичаклар деворининг перфорация олди босқичлари даврида аниқланиши, беморларда ўлим кўрсаткичини пасайтиради, шунинг учун НЭК диагностикаси ҳозирги кунгача фаол муҳокамалар куршовида қолмоқда. R.Faingold R<sup>8</sup> фикрига кўра, НЭКни даволаш ўта мураккаб муоммо бўлиб, икки мутахассислик, яъни неонатология ва болалар хирургияси томонидан олиб борилади. Даволашни амалга ошириш усуллари касалликнинг фаоллиги, жараённинг тарқалиши ва локализацияси ва у ёки бу муайян асоратларнинг мавжудлигидан келиб чиқиши керак.

Хирургик амалиёт мезонларини аниқлаш энг қийин масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ичаклар деворида чегараланган некроз соҳаларининг аниқланиши ва перфорация олди даврида бажариладиган амалиёт идеал ҳисобланади, лекин перфорация олди босқичини аниқлаш энг қийин муоммолардан биридир<sup>9</sup>. НЭКнинг хирургик босқичида амалиётнинг кенг тарқалган усули – зарарланган ҳудудларни ажратиш ва ушбу соҳа резекцияси билан иккита алоҳидаланган ёки якка ичак стомаларини чиқаришдир. Бироқ, Н. Zhang<sup>10</sup> фикрига кўра, стома чиқарилганидан бир неча ҳафта ўтгач, ажратилган ичак шиллик қаватида чуқур трофик яллиғланиш ўчоқларини ривожланиши кузатилади, бу эса, ичаклар яхлитлигини тиклашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар фикрига кўра, некротик соҳа резекциясидан сўнг тўғридан-тўғри анастомоз қўйишни танлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашади<sup>11</sup>. Шундай қилиб, ҳозирги кунга қадар даволашнинг замонавий принциплари, шу жумладан, хирургик ёндашувлар етарлича ишлаб чиқилмаган. Чекланган миқдордаги адабиётлар НЭКни хирургик даволашнинг хусусиятларини, айниқса,

---

<sup>6</sup>Urboniene A, Palepsaitis A, Uktveris R, Barauskas V. Doppler flowmetry of the superior mesenteric artery and portal vein: impact for the early prediction of necrotizing enterocolitis in neonates. *Pediatr Surg Int*. 2015 Nov;31(11):1061-6

<sup>7</sup>Bohnhorst B. Usefulness of abdominal ultrasound in diagnosing necrotizing enterocolitis. *Arch Dis Child Fetal Neonatal Ed* 2018;98:F445–F450

<sup>8</sup>Faingold R. Technical aspects of abdominal ultrasound and color Doppler assessment of bowel viability in necrotizing enterocolitis. *Pediatr Radiol* 2018; 48:617–9

<sup>9</sup>Cuna AC, Lee JC, Robinson AL, et al. Bowel ultrasound for the diagnosis of necrotizing enterocolitis. *Ultrasound Q* 2018;1:1

<sup>10</sup>Zhang H, Chen J, Wang Y, Deng C, Li L, Guo C. Predictive factors and clinical practice profile for strictures post-necrotizing enterocolitis. *Medicine (Baltimore)*. 2017 Mar;96(10):e6273

<sup>11</sup>Haricharan RN, Gallimore JP, Nasr A. Primary anastomosis or ostomy in necrotizing enterocolitis? *Pediatr Surg Int* 2017;33:1139–45.

касалликнинг дастлабки босқичларида, шунингдек, ушбу патология фонида болаларда юзага келадиган эрта ва кеч асоратларни ўрганишга бағишланган.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда болаларда НЭЖнинг тактик, техник ва диагностик жиҳатлари замонавий болалар хирургиясининг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли, янги диагностика мезонларини излаб чиқиш, НЭЖ ва унинг асоратлари учун хирургик тактикани оптималлаштириш йўли билан даволаш натижаларини яхшилаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти-тадқиқот ишларининг «Болаларда анал инконтиненцияни даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги ПЗ-2017083014-сон илмий-амалий тадқиқотлари доирасида бажарилган (2018-2020йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда некротик энтероколитнинг эрта асоратлари предикторларини аниқлаш ва таклиф этилган хирургик коррекция усуллари самарадорлигини баҳолаш йўли билан ташхислаш ва даволашнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

некротик энтероколит эрта ва кечки асоратлари предикторларини клиник ва рентгенологик белгилари ва уларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

некротик энтероколит эрта асоратлари предикторларини эхоскопик ва доплероетрик мезонларни ишлаб чиқиш ва асослаб бериш;

касалликнинг босқичи ва асоратларининг оғирлигига қараб, НЭЖнинг эрта асоратларини хирургик даволаш усулини танлаш;

некротик энтероколитнинг кечки асорати сифатида постнекротик стеноз ривожланиш частотаси, даражаси ва ривожланиш муддатларини ўрганиш ҳамда хирургик даволаш муддати ва усулини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2008-2019 йиллар мобайнида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида текширилган ва даволанган 1 хафталикдан 4 ёшгача бўлган некротик энтероколит ўтказган 99 нафар бемор болалар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** некротик энтероколитнинг эрта ва кечки асоратларини клиник-рентгенологик, эхоскопик ва доплероетрик белгиларининг тахлили ҳамда уларнинг морфологик хусусиятлари, шунингдек, эрта асоратларни хирургик даволашда мавжуд ва тавсия этилган усулларнинг самарадорлигини тахлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник (умумий қон тахлили, биокимёвий қон тахлили), нур ташхиси (ультратовуш, рентген ва эндоскопик тадқиқотлар), махсус (эндовидеохирургия) ва статистик усуллар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:



некротик энтероколит ривожланган болаларда патологик жараённинг оғирлигини ва ичаклар девори перфорацияси ривожланиш хавфини кўрсатувчи, ичаклар деворидаги ишемик ва некротик ўзгаришларга хос бўлган ультратовуш ва доплерометрик мезонлар аниқланган;

ичаклар деворида перфорация ривожланишидан олдин, ичак некрозининг фойдасига гувоҳлик берувчи некротик энтероколитнинг эрта асоратлари предикторларини аниқлаш, некротик соҳани резекцияси ва иккита алоҳидаланган энтеростомия ўрнатиш билан чекланиш мумкинлиги аниқлаштирилган;

некротик энтероколит даражаларининг ривожланиб боришида интрамурал газни аниқланиш частотасининг ортиб бориши билан боғлиқлиги ҳамда ичак деворининг қалинлашиши, касалликнинг ривожланиш босқичларига тескари корреляцияга эга эканлиги аниқланган;

некротик энтероколитнинг ривожланиш босқичларида касалликнинг асоратли аломатлари пайдо бўлмасдан олдин (пневмоперитонеум ва ичакнинг динамик обструксияси) ультратовуш текширувининг рентгенологик текширувдан афзаллиги исботланган;

узок муддатли кузатувлар натижасига кўра, некротик энтероколит IIа босқичи ривожланган бемор болалар гуруҳида постнекротик ичак стенозининг ривожланиш хавфи юқори эканлиги аниқланган;

постнекротик стеноз ривожланган болаларда ичакнинг кучли супрастенотик кенгайишини инобатга олган ҳолда стома ўрнатиш, супрастенотик сегментни резекция қилиш ҳажмини оптималлаштиришга қаратилган клиник ва инструментал баҳонинг ўзига хос мезонлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

некротик энтероколит ривожланган болаларда ичак деворидаги ишемик ва некротик ўзгаришларни текширишнинг диагностик хусусиятлари аниқланган, бу эса асоратлар эҳтимолини ва фаол хирургик тактикасига ўтиш зарурлигини эрта баҳолаш имконини берган;

некротик энтероколитнинг Ia, Ib, IIa, IIb ва IIIa босқичларида қорин бўшлиғини ультратовуш текширувини ўтказиш натижасида ичаклар девори гемодинамикасини доплерометрик баҳолашнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

некротик энтероколитнинг дастлабки асоратлари предикторларини ўз вақтида аниқлаш, шунингдек артериал перфузиянинг кескин пасайиши ва ичак деворининг юпқаланиши, ичак некрози фойдасига гувоҳлик бериши, ҳатто перфорация ривожланишидан олдин ҳам ичакнинг некротик қисми резекцияси ва иккита алоҳидаланган энтеростома ўрнатиш амалиёти тавсия этилган;

некротик энтероколитнинг эрта асоратлари предикторларини ўз вақтида ташхислаш, умумий қабул қилинган клиник ва лаборатор текширувлар билан бир қаторда, специфик аломатларга алоҳида эътибор бериш билан қорин бўшлиғи аъзоларининг динамик эхосонографиясига асосланиши мумкинлиги аниқлаштирилган;

ичаклар девори перфорацияси босқичларида некротик энтероколитни хирургик даволашнинг минимал инвазив усулининг кўрсаткичлари ва муддати аниқланган;

ичаклар деворида перфорация ривожланишидан олдин, ичаклар деворида ривожланган ишемик ва некротик жараённи аниқлаш ва энг кўп ўзгарган ичак қовузлоқлари некротик соҳаси резекцияси ва иккита алоҳидаланган энтеростомия ўрнатиш исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги замонавий, кенг қўлланиладиган клиник, ультратовуш, доплерографик, рентгенологик, эндоскопик ва лапароскопик ташхислаш ва статистик усулларни қўллаш билан тасдиқланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар далилий тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик ишлов натижаларининг ишончилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, тақдим этилган қоидалар ва хулосалар НЭЖни эрта ташхислаш натижаларини ичаклар девори перфузиясини бузилганлигини аниқлаш учун ноинвазив диагностика ёрдамида мезонларни текшириб, жиддий асоратларнинг ривожланишидан олдин аниқлашга ва хирургик тактикани танлашни оптималлаштиришга ёрдам берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, болаларда УТТ ташхисининг тавсия этилган мезонлари ичак перфузиясининг бузилишини баҳолаш билан, ичаклар девори перфорацияси ривожланишидан олдин ривожланган некроз белгиларини ўз вақтида аниқлаш имконини берган ва шу билан перитонитнинг тарқалиши ва ичакни кенг резекция қилиш заруратини камайтириш имконини берган, шу билан бирга, постнекротик стеноз оқибатида ривожланган супрастенотик кенгайган ичакнинг резекция ҳажмини камайтиришга қаратилган усул ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Некротик энтероколит диагностикаси ва хирургик даволашни такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Болаларда некротик энтероколитнинг эрта асоратлари предикторлари диагностикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 8н-з/19-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар НЭЖ асоратлари ривожланишининг дастлабки босқичларида ўз вақтида (эрта) ташхис қўйиш натижасида НЭЖни хирургик даволашда яхшиланган натижаларга эришиш имконини берган;

некротик энтероколит ривожланган болаларни ташхислаш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Андижон ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 7 февралдаги 8н-з/19-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Некротик энтероколит ривожланган болаларни текшириш ва даволаш бўйича тактиканинг амалга оширилиши ичаклар перфорациясига асосланган ҳолда

бажариладиган амалиётлар кўрсаткичини 76,5% дан 48,3% гача қискартириш имконини берган, бу эса, ўз навбатида, амалиётдан кейинги ўлим кўрсаткичини 82,3% дан 22,5% гача камайтириш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шу жумладан, 7 та мақола, улардан 6 таси республика ва 1 та хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва заруриятлиги асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“НЭЖда диагностик муаммолар ва даволаш усулини танлаш”**, деб номланган биринчи боби иккита сарлавҳадан иборат адабий шарҳлар берилган бўлиб, унда ҳал қилинмаган диагностика муаммолари ва НЭЖ нинг эрта асоратларини даволашнинг хирургик усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. НЭЖ нинг эрта асоратларини диагностикасида нур диагностикаси усулларнинг аспекти бўйича адабиёт маълумотларини систематик равишда кўриб чиқилган. НЭЖ нинг кечки асоратлари, уларнинг частотаси, диагностик тадқиқотлар ва хирургик даволаш усулларининг шарҳи берилган. Даволаш тактикасини танлаш билан боғлиқ муаммолар, шунингдек, кейинги ривожланишни талаб қиладиган мунозарали вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **“Клиник материал ва текширув усуллари тавсифи”**, деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифи берилган. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар хирургияси, эрта тугилган чақалоқлар паталогияси ва чақалоқлар реанимация бўлимлари ва Республика перинатал марказида 99 нафар беморни ташхислаш ва даволаш натижаларини таҳлил қилишга асосланган. Кузатув даврида 90та (91%) бемор НЭЖ нинг эрта ва 9та (9%) бола кечки асоратлари билан касалхонага ёттирилган.

НЭЖ клиник белгилари Т.Ж. Walsh ва R.M. Kliegman (1986) таснифига кўра баҳоланди. Ушбу таснифга кўра, 48та (53%) болада некротик

энтероколитнинг эрта асоратлари ривожланган ва хирургик амалиёт бажарилган, 42 та (47%) болада медикаментоз терапия ўтказилган.

2008 - 2019 йиллар оралиғида ўтказилган НЭКнинг эрта асоратларига оид 48 та ва кечки асоратларига доир 9 та беморларда ўтказилган оператив муолажалар натижалари таҳлил қилинди.

Барча беморларга комплекс текширувлар ўтказилган, шулар жумласига қоннинг клиник таҳлили, биохимик таҳлил, қорин бўшлиғининг тасвирли рентгенографияси, ошқозон-ичак трактининг пассажи, ирригография, қорин бўшлиғи аъзолари ультратовуш текшируви (УТТ) ва постнекротик стеноз (ПНС) ривожланган беморларда қўшимча колонофиброскопия текшируви ўтказилди.

Хорижий давлатлар тажрибасига асосланган ҳолда, НЭКнинг хавфли асорати, ичаклар перфорациясидан кейин кузатилувчи, тарқалган перитонит ривожланишини олдини олиш мақсадида, эрта ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш мақсадида, 2015 йилдан бошлаб ўз амалиётимизга қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ ҳамда ичаклар деворлари перфузиясини баҳолаш учун доплерографик текширувларни тадбиқ этдик. Чақалоқларда қорин бўшлиғи аъзоларининг экоскопияси ва ичаклар девори ҳамда тутқич томирларининг гемодинамик хусусиятларини доплер ёрдамида баҳолашни 58 нафар беморларда бажардик. Қорин бўшлиғи аъзоларининг УТТ (В-режими) ҳамда ичаклар деворлари перфузиясини баҳолаш учун доплерографик текширувлар, барча болалардан кун давомида 4-6 соат вақт оралиғида ўтказилди. Тадқиқотлар Mindray M5 аппарати (Хитой) ва Philips AcuVue 500 (Голландия) аппаратларида, конвекс сенсори 3,5 - 5 МHz ва конвекс чизиқли, конвекс сенсори 7,5 - 12 МHz датчикларида чақалоқлар реанимациясида бемор болалар тўшагида олиб борилди. Текширувни амалга оширишда 2005 йилда Faingold R. ва б. (2005) томонидан ишлаб чиқилган, ичаклар ҳолатини қуйидаги параметрлар бўйича баҳолашга имкон берувчи усулдан фойдаландик. Булар: ичаклар девори эхогенлигини ошиши, ичак девори қалинлиги, интрамурал газ, ичак деворлари перфузияси, ичаклар перистальтикасидан иборат.

Қорин бўшлиғининг УТТ ёрдамида ичак деворларининг ҳолатини баҳолаш билан бир қаторда қуйидаги параметрлар ҳам баҳоланди: қорин бўшлиғида эркин анэхоген ва гиперэхоген суюқлик мавжудлиги, ковузлоқлар оралиғида суюқлик ҳамда портал венадаги газдир. Назорат гуруҳи 16 та эрта туғилган НЭК ривожланмаган чақалоқлардан иборат бўлиб, ўртача гестацион ёши  $32,4 \pm 0,73$  ҳафтани, ўртача тана вазни эса  $1778 \pm 132$ г ташкил этди. Олиб борилган УТТ натижалари клиник ва рентгенологик текширувлар берган маълумотлар билан таққосланди.

Колонофиброскопия Fujifilm EG 1870 K аппаратида ( $d= 9,0$  мм) (Япония) ўтказилди. Йўғон ичак шиллиқ қаватининг ҳолати, стенотик жараённинг локализацияси, стенотик ҳудуднинг диаметри ва унинг диастази ўрганилди.

Тадқиқод натижаларига «MS Office» компьютер дастур пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача катталиқ (М-ўртача арифметик қиймат), ўртача (m) стандарт хато ва ўртача квадрат (стандарт) оғиш ( $\sigma$ ) қийматлари

аниқланди. Фарқларнинг ишончилигини  $t$  –ишонч коэффициенти (Стьюдент мезони) ёрдамида баҳоланди.

Диссертациянинг “**НЭК эрта асоратларининг клиник кўриниши ва инструментал характеристикаси**”, деб номланган учинчи бобида 90 нафар НЭК кузатилган чақалоқларда эрта асоратларнинг клиник кўринишлари ва инструментал текширув натижаларининг таҳлили берилди. НЭК ривожланган 90 нафар беморларнинг 59 нафарида (65,5%) муддатидан эрта туғилиш ҳолати кузатилди, улардан 8 нафарида (8,9%) экстремал чала туғилиш ва ўртача тана вазни  $1001,5 \pm 89,4$  г ни ташкил этди. Чуқур муддатига етмай туғилиш 22 нафар (24, 5%) болаларда кузатилиб, гестацион ёши 29 - 32 ҳафтани, ўртача тана вазни  $1613,5 \pm 75,6$  г ни ташкил қилган. Гестацион ёши 33 дан 34 ҳафтагача бўлган, ўртача тана вазни  $2000,7 \pm 78$  г 12 нафар (13,3%) болалар ўртача муддатидан эрта туғилган болалар гуруҳига кирган. 17 та (18,9%) беморлар 35 дан 36 ҳафтагача бўлган ҳомиладорлик ёшида туғилди ва ўртача тана вазни  $2277,5 \pm 82$  г ни ташкил қилган. Муддатига етиб туғилган чақалоқлар 31 нафар (34,4%) бўлиб, ўртача тана вазни  $3139 \pm 115$  г ни ташкил қилди.

НЭК ўғил болалар орасида кўпроқ (65,5%) кузатилди. НЭК нинг эрта асоратлари 90 нафар болалардан 48 тасида (53,3%) ривожланган бўлиб, уларнинг 20 (22,2%) ичаклар некрози, 28 нафарида (31,1%) перфорация ва 53,3%. ( $n=48$ ) беморларда перитонит кузатилди. НЭК клиник белгиларининг намоён бўлиши 25 нафар (52,1%) болаларда, ҳаётнинг дастлабки 7 кунда, 14 нафар (29,1%) болаларда ҳаётининг 8-21 кунда ва 9 нафар (18,8%) беморларда ҳаётининг 21 кундан сўнг кузатилди.

Касалхонага эрта ётқизилган беморларда, клиник белгиларнинг намоён бўлиши НЭК нинг Ia, Ib, IIa босқичларига тўғри келди. Walsh Kliegman таснифига кўра НЭКнинг IIb, IIIa ва IIIb оғир даражалари кузатилган беморлар эса анча кечроқ мурожаат қилганлиги аниқланди. Бу ҳолатда чақалоқларнинг гестацион ёши ва НЭК нинг даражаси орасида ишончли ва тўғри корреляцияси аниқланди ( $r=0,73$   $p=0,001$ ).

Рентгенологик текширув барча 90 нафар беморларда ўтказилди, шулардан 36 нафарида (40%) такрорий равишда ўтказилди. Энг кўп учрайдиган рентгенологик белги бўлиб, ичаклар мозаик структурасининг бузилиши аниқланди ва ушбу рентгенологик белги 100% ҳолларда кузатилди.

НЭК да яна бир кенг тарқалган рентгенологик белги, ичаклар дилатацияси ҳисобланди ва 80 (88,9%) беморларда кузатилди. Бу рентгенологик белги касалликнинг кеч босқичлари учун кўпроқ характерга эга эди, масалан, ушбу симптом 100% ҳолларда НЭК нинг IIb ва IIIb босқичларида кузатилган бўлса, Ia ва Ib босқичларда 70% ва 79% ҳолларда аниқланди. Интрамурал газ 12,2% ҳолатда аниқланди ва кўпинча чизикли ёки пуфакчалар шаклидаги кўринишда бўлди. Ушбу симптом 3 нафар беморда “статик ичак қовузлоғи” симптоми бирга, 3 нафар болаларда Клойбер косачалари ва 2 та беморда пневмоперитонеум билан бирга кузатилди.

«Статик ичак қовузлоқи» симптоми НЭК нинг IIIa босқичида 36,4% ва IIIb босқичида 11,1% ҳолатларда аниқланди. Ушбу аломат ичакларнинг субтотал ва тотал шикастланишига хос бўлган рентгенологик белги эканлиги амалиётда аниқланди ва кузатувимизда 5 нафар болаларда кузатилди. Қорин бўшлиғида эркин суюқликнинг рентгенологик белгиси, НЭКли 13 нафар (14,4%) болаларда кузатилди ҳамда IIIa ва IIIb босқичлари учун характерли бўлди. НЭКнинг кечки босқичларида (IIIb, IIIa ва IIIb) Клойбер косачаларининг аниқланиши, пастки ичак тутилиш кўринишида акс этди. Касалликнинг кейинги босқичларида ушбу аломат тез-тез учраб туради: IIIb - 22,2%, IIIa - 27,3% ва IIIb босқичида - 39,3%

Ичаклар перфорацияси ҳақида маълумот берувчи белги пневмоперитонеумдир, у НЭК нинг IIIb босқичига хос бўлиб, 28 нафар беморларнинг 22 (78,6%) тасида аниқланди. Қолган 6 нафар беморларда Клойбер косачаларининг мавжудлиги, хирургик амалиёт ўтказишга кўрсатма бўлиб хизмат қилди. 6,6% ҳолатларда пневмоперитонеумни рентгенологик аниқланмаганлиги сабаби, перфоратив зонанинг бошқа ичаклар девори билан ёпилганлиги, хирургик амалиёт пайтида ўз тасдиғини топди.

НЭК эрта асоратларининг диагностикасида, УТТнинг юқори афзалликларга эга эканлигини ҳисобга олиб, сонографик тадқиқотлар натижаларининг таҳлили келтирилди. УТТ ва ичаклар девори перфузиясининг доплерографик текшируви 58 нафар беморларда ва 16 нафар назорат гуруҳидаги янги туғилган чақалоқларда ўтказилди (1-жадвал).

**1-жадвал.**


**НЭК ни турли босқичларида ультратовуш белгиларининг қиёсий хусусиятлари**

Параметр	Ia	Ib	IIa	IIb	IIIa	p
n	10	19	13	9	7	
Эркин суюқлик (%)	60±15,49	58±11,3	38,5±13,5	67±15,7	43±18,7	0,633
Интрамурал газ (%)	-	16±8,4	54±13,8	67±15,7	71±17,1	0,007
Ичаклар деворининг қалинлиги (мм)	2,67±0,09	2,73±0,08	2,1±0,13	1,34±0,13	0,98±0,098	0,001
Портал венадаги газ (%)	-	-	-	-	14±13,2	-
Гиперперфузия (%)	80±12,65	58±11,3	-	-	-	0,255
Гипоперфузия (%)	-	-	46±13,8	56±16,6	-	0,648
Аперфузия (%)	-	-	-	44±16,6	71±17,1	0,282
Аперистальтика (%)	-	-	-	44±16,6	86±13,23	0,079

НЭК ривожланган чақалоқларнинг 31 нафарида (53,5%) УТТ натижасига кўра, қорин бўшлиғида эркин суюқлик белгилари аниқланди. Ушбу аломат НЭКнинг барча босқичларига хос булиб, кўпинча (67%), IIIa босқичида ҳамда кам ҳолларда IIa босқичидаги гуруҳда (38,5%) аниқланди. Қорин бўшлиғидаги эркин суюқлик барча ҳолатларда анэхоген кўринишда бўлиб, бу эхо кўринишни НЭКнинг маълум бир босқичини белгиловчи патогномик ультратовуш белгиси ҳисобламадик.


Интрамурал газ бу, ичак деворининг субмукоз васубсероз қатламларида газ пуфакчаларининг тўпланишидир (1-расм).

Ушбу УТ симптомнинг учраши НЭК даражаларининг прогрессивланиши ва ичаклар деворидаги гистопатологик ўзгаришлар билан бевосита коррелиатив боғлиқдир ( $r= 0.95$ ,  $p= 0.007$ ). Интрамурал газ НЭК нинг Ib, IIa, IIb ва IIIa босқичларида 21 нафар (36,2%) бемор болаларда аниқланди. Ушбу аломатни аниқланиш частотаси пропорционал равишда 16% -54% -66.6% ва 71% касалликнинг эрта босқичидан кеч босқичларига қараб ўсиб борди. Портал венадаги газ, фақат бир нафар (1,7%) НЭК нинг IIIa даражасида аниқланди.



**1-расм. НЭК нинг IIb босқичида интрамурал газ эхотомограммаси. Оқ нишонлар билан кўрсатилган.**

Рентгенологик текширувдан УТТнинг яна бир шубҳасиз афзаллиги бу, ичаклар девори қалинлиги ўлчаш ва перфузия даражасини аниқлай олишидир. 27 нафар (46,5%) беморларда, ичаклар деворининг қалинлашиши аниқланган бўлиб, уларнинг 19 нафарида (32,7%), гиперперфузия кузатилди. НЭК нинг дастлабки босқичларида ичаклар девори қалинлашишининг прогрессив ўсиши қайд этилди, бу максимал  $2,5 \pm 0,16$  мм га етди ( $p \leq 0.001$ ). Бу кўрсаткич НЭК нинг IIa босқичига тўғри келди. Ичаклар деворининг гиперперфузияси, НЭК нинг фақат Ia ( $n= 8$ ) ва Ib ( $n= 11$ ) босқичларида аниқланди (6-расм). Ушбу аломат " Y " шаклда ва доплер харитасида "зебра чизиқлар" сифатида аниқланди (2-расм).



**2-расм. НЭК Ia босқичи эхотомограммаси: ранг харитасида “Y” шаклидаги кўриниш.**

НЭК нинг IIa босқичида 4 нафар (31%) беморларда ичаклар деворининг қалинлашиши ва шу беморларда гиперперфузия белгиларининг йўқлиги, ушбу ҳолатларда ичаклар деворида яллиғланиш процессининг давом этиши натижасида, қон томирларнинг сиқилиши ва уларнинг спазми билан изоҳланади. Бу эса ўз навбатида НЭК даги патологик ўзгаришлар каскадининг табиий босқичидир.

Консерватив даволаш давом эттирилишига қарамасдан, 29 нафар беморларда, касалликнинг клиник кечишида прогрессив ёмонлашув кузатилди. Уларнинг УТ натижалари таҳлил қилинганда, ичаклар деворининг юпқалашиш частотаси ўсганлиги ва перфузияни йўқлиги аниқланди. НЭКнинг эрта асоратлари ривожланган 10 нафар (17,2%) беморларда, ичаклар девори перфузиясининг пасайиш ва кейинчалик тўлиқ йўқолиши қайд этилди. 9 нафар (15,5%) беморларда, ушбу аломат, ичаклар деворининг сезиларли даражада юпқалашиши билан кечди.

